

*Ярмарка ишида 33 та хорижий давлат, компаниялари, савдо ташкилотлари, кишлок хўжалиги йўналиши вазирликлари, логистика компанияларининг 300 дан ортик вакиллари иштирок этди.*

Булар Швейцария, Литва, Германия, Голландия, Франция, Буюк Британия, Польша, Исроил, Италия, Россия, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Хиндистон, Иордания каби давлатларининг тадбиркорлари. Ярмаркани ўтказиш дастури асосида иштирокчи хорижий компания ва меҳмонлар билан давра суҳбатлари ва музокаралар ўтказилди.

Жумладан Россия Федерациясининг “Х5 Ритейл групп”, “Сибирский Альянс”, “Магнит”, “Перекресток”, “Невский Кондитер”, “Агролайн” ва “Глобал Трейд”, Хиндистоннинг “Эко Грин”, Козигистон Республикасининг “Мева Групп” ҳамда бир катор хорижий компаниялари билан мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини янада ривожлантириш истикболлари, мавжуд муаммоларни ҳал этиш, шунингдек савдо уйлари ташкил этиш юзасидан музокаралар олиб борилди.

Хар бир вилоятдан ярмаркада иштирок этган экспортёр корхоналар ўзларининг маҳсулотларини экспорт қилиш ва уларни жойига қадар етказиб бериш бўйича шартномалар тузди. Ярмарка якуни бўйича хорижий харидорлар билан ўтказилган музокаралар натижасида қиймати 1009 млн.долларлик 1421 минг тонна маҳсулотларни экспортга чиқариш бўйича 355 та шартнома имзоланди, шундан 120 минг тонна маҳсулот 2016 йил якунига қадар экспортга йўналтирилиши кўзда тутилди Барча шартномалар Халкаро мева-сабзавот ярмаркаси дирекцияси томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олинди.

Ярмарканинг ўтказилиши мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш географиясини янада кенгайтириш имконини берди. Хусусан, Европа мамлакатлари Германия, Шотландия, Швейцария, Буюк Британия, Украина, Беларусс, Литва, Озарбайжон, Россия, Жанубий-Шарқий Осиёдан Хитой, Корея, Япония, Яқин Шарқ мамлакатлари Ирок, БАА, Туркия давлатларига маҳсулот экспорт қилиш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузилди.

Натижада тузилган шартномаларда мевалар 25 фоизни, узум 17 фоиз, сабзавотлар 32 фоиз, қуритилган ва қайта ишланган маҳсулотлар 13 фоиз, дуккакли 13 фоиз ва полиз

махсулотлари 1 фоизни ташкил этди.

Хорижий харидорлар томонидан билдирилган кизиқиш ва талаблардан келиб чиқиб, келгусида мева-сабзавот, узум ва полиз махсулотларини жойлаштиришни (такрорий ва тўксонбости экинларни ҳисобга олган ҳолда) аниқлаштирилишига замин яратди.

Ярмарка доирасида Ўзбекистоннинг мева-сабзавот махсулотларини экспорт қилувчилар ва истеъмолчилар ўртасида “давра сухбатлари”, икки томонлама музокаралар ташкил этилиб, хорижлик меҳмонлар иштирокида интенсив боғларга, мева-сабзавот махсулотларини қайта ишловчи корхоналарга ва совутиш комплексларига саёхатлар ташкил этилди.

Ярмарка иштирокчилари Тошкент вилоятининг Юқоричирчик туманида жойлашган “Marwin Brands” ва “Asia Gem” ҳамда Тошкент шаҳрида барпо этилган “Gold Dried Fruits” корхоналарига ташриф буюриб, у ердаги қуритиш, музлатиш, саклаш, кадоклаш жараёнлари ва қайта ишланган тайёр махсулотлар меҳмонларга намойиш этилди. Таъкидлаб ўтиш жоизки ушбу корхоналар европанинг энг сунгги мева ва сабзавотларни қайта ишловчи асбоб ускуналари билан жиҳозланган. Ушбу тадбирда маҳаллий оммавий ахборот воситалари билан бир қаторда Россиянинг “Россия 24” ва “НТВ” телеканаллари ижодкорлари иштирок этишди.

Ярмарканинг сунгги иш куни давомида “Ўзбеккозиковкатхолдинг” холдинг ва “Ўзагроэкспорт” акциядорлик жамияти вакилларининг Республика мева-сабзавот махсулотларини етиштириш, уларни қайта ишлаш ва экспортга йўналтириш бўйича мавжуд имкониятлар, улардан фойдаланиш салоҳиятлари тўғрисида презентациялари тингланди.

3 кун давомида ярмаркани томоша қилишга келганлар сони эса, 7000 кишидан ошиб кетди.

Энг асосийси қўтилган мақсадга эришилди. Хорижнинг қўплаб нуфузли қайта ишловчи

ва савдо компаниялари Ўзбекистонда етиштирилаётган мева-сабзавотлар, полиз экинлари, узум ва дуккакли ўсимликларнинг сифати, қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларининг таркибий хусусиятлари, экологик софлик даражаси ҳақида етарлича маълумотга эга бўлиб кетишди.